

ИНСОН ВА ҚОНУН

www.hudud24.uz

2021 йил 6 июль
сешанба
№ 27 (1283)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24
Endi 24 soat siz bilan

Энг сўнги хабарлар
Ҳуқуқий маълумотлар
Таҳлилий мақолалар
Мурожаатга жавоблар



ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ХОДИМИГА
АДЛИЯ ЁРДАМ БЕРДИ 3-БЕТ

КАТТАҚЎРФОННИНГ
“ЎГАЙ” КИШЛОҒИ 6-БЕТ

ЎЗИНИ БЮРОКРАТИК ИЛЛАТЛАРДАН ХАЛОС
ЭТОЛМАЁТГАН ИДОРА ВА ТАШКИЛОТЛАР ҲАЛИ ҲАМ БОР 8-БЕТ

РЕСПУБЛИКА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ МАРКАЗИ 70 ЁШДА

ЗАМОНАВИЙ СУД ЭКСПЕРТИЗА ИМКОНИЯТЛАРИ

■ МАРКАЗ илк бор Тошкент илмий-тадқиқот криминалистика лабораторияси сифатида ташкил этилган бўлиб, ўз фаолиятини 1951 йилнинг июнидан айрим турдаги ҳужжатшунослик экспертизаларини ўтказишдан бошлаган. 1958 йил 1 апрелда лаборатория асосида Марказий Осиёда биринчи Тошкент суд-экспертиза илмий-тадқиқот институти ташкил қилинди.



Тошкент давлат юридик университети билан ҳамкорликда университет профессор-ўқитувчилари ва талабаларига Марказда амалий машғулот ҳамда тадқиқотлар олиб бориш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида “Амалий ҳуқуқшунослик” кафедраси ташкил этилди.



“СУД ЭКСПЕРТИЗА: КЕЧА ВА БУГУН”

ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ

ХАДИЧА Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази ташкил этилганлигининг 70 йиллиги муносабати билан “Суд экспертиза: кеча ва бугун” форуми ташкил этилди.

Талбир доирасида ОАВ вакиллари учун Марказ фаолияти билан таништириш мақсадида Пресс-тур ва матбуот анжумани ўтказилди.

“Суд экспертиза: кеча ва бугун” мавзусидаги илмий-амалий конференция ва мастер-класслар ташкил этилди. Хорижлик меҳмонлар, журналистлар ва талбир иштирокчилари Пресс-тур давомида Марказ фаолияти билан ақиндан танишишди. Тантанали талбирда Марказ раҳбарияти,

фахрийлари, кўп йиллик тажрибага эга ходимлари, ёш, малакали мутахассисларнинг ҳалол, самарали меҳнатлари эътирофи этилиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси ҳамда хорижлик ҳамкорлар томонидан тақдирландилар.

Марказ фаолияти йнгилганларда катта қизиқиш уйғотди, албатта. Талбир давомида малакали мутахассислардан газетхонларимиз учун кизикарли маълумотларни олдик. Келинг, яхшиси, экспертиза лабораториялари фаолияти билан биргаликда танишамиз.

2-БЕТ



Ўзининг 70 йиллик тарихи давомида Марказ суд экспертиза йналишида ўзига хос мактаб яратди. Ҳозирги кунда ҳам бу мактаб вакили бўлиш ушбу соҳанинг ҳар бир мутахассисига шараф ҳисобланади. Марказнинг ҳар бир ходими Хадича Сулаймонова каби етуқ инсон, ўз касбининг илғор мутахассиси бўлиб етишишга интилади. Марказ фаолиятида ҳам академик устозимиз номига муносиб бўлишга ҳаракат қилмоқдамиз. 2017 йилда барча вилоятларда Марказнинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди. Суд экспертларининг малакасини замон талаблари даражасида ошириш учун Ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилди. 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ амалиётда илк бор нодавлат ташкилотлар томонидан суд-экспертлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Марказ лабораторияларини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида 2020 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси кўмағида ISO/IEC 17025 халқаро стандартига асосан аккредитация қилиниб, мувофиқлик сертификати эга бўлди. Мазкур аккредитация Марказга тадқиқотларни халқаро стандартлар даражасида бажариш имконини берди. Бу эса, мазкур лабораториялар томонидан берилган хулосаларнинг халқаро миқёсда шубҳасиз тан олинishi, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини нафақат мамлакатимиз ҳудудида, балки халқаро судларда ҳам ишончли ҳимоя қилинишига ҳамда одил судлов таъминлинишига хизмат қилади, албатта.

2-БЕТ

ЗАМОНАВИЙ СУД ЭКСПЕРТИЗА ИМКОНИЯТЛАРИ



Марказ нафақат суд экспертиза тадқиқотларини амалга ошириш, балки янги экспертиза турлари ва услубий турлари жорий этиш бўйича ҳам кенг қўламли илмий-тадқиқот ишларини амалга оширмақда. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида кейинги 2 йил ичида Суд лингвистика, Суд компьютер-техник, Суд автомобиль йўллари, Суд электротехника, Суд психологик, Озиқ-овқат маҳсулотлари суд экспертизаси каби янги экспертиза турлари яратилиб, суд экспертлик жараёнига татбиқ этилди. Натижада Марказда амалга оширилган суд экспертлик турлари 50 тага, мутахассисликлар эса 69 тага етказилди.

Марказнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида "Sudex дан гапирамиз" ва "Эксперт жавоби" номли янги рубрика яратилиб, унда эксперт ходимлар томонидан фуқаролардан келиб тушган саволларга аудио ва видео кўринишида жавоб берилиши йўлга қўйилди. Суд экспертиза фаолиятига замонавий Ахборот-коммуникация технология ютуқларини жорий этиш мақсадида "Суд экспертизалари ҳисоби тизими" ва "Электрон таълим платформаси" ахборот тизимлари яратилди. Аҳолига суд-экспертлик соҳасига доир маълумотларни тезкор етказишга қаратилган "sudexpert.uz" ахборот портали, экспертиза учун ашёвий далилларни идентификациялаш дастури ишлаб чиқилиб, фаолиятга татбиқ этилди.

Марказ томонидан суд экспертиза йўналишига ихтисослашган "Ўзбекистон суд экспертизаси" номли илмий журналнинг биринчи сони нашрдан чиқарилди. Янги журналда соҳанинг етакчи олимлари ва мутахассисларнинг илмий мақолаларини нашр этиш орқали халқаро илгор тажрибаларни тақдим этишни ният қилганмиз. Шунингдек, журналда мамлакатимиз суд экспертларининг илмий ва амалий тадқиқотлари натижалари ҳам эълон қилиб борилади.

Маълумки, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳамда суд ходимлари амалиётида чуқур билим талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг малякали мутахассислари билан ҳамкорликда замонавий "Электрон қўлланма" ишлаб чиқдик. У аввалгиларидан маълумотлар бир вақтнинг ўзида ҳам ёзма ҳам видео кўринишида тақдим этилганлиги билан фарқ қилади. Суд экспертларига бериладиган намунавий саволлар, қарор ва ажрим нусхалари ҳамда керакли бошқа маълумотлар ушбу қўлланмадан ўрин олган.

Сўнги йилларда Марказ томонидан суд-экспертлик фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорлики янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Россия Федерал суд экспертиза маркази, Украина Адлия вазирлигининг суд экспертиза миллий илмий маркази, Беларусь Республикаси давлат суд-экспертиза кўмитасининг Илмий-амалий маркази билан ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланди.

Ҳозирда Туркия, Малайзия, Ҳиндистон, Қозоғистон ва Арманистон суд экспертиза муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича келишувга эришилиб, шартномалар имзоланиш жараёнида турибди. Марказнинг Бутунжаҳон суд экспертлари ассоциациясига (IAF) аъзо бўлиши юзасидан зарурий чоралар кўрилмоқда.

Суд-экспертлик фаолиятини кенгайтириш, ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, суд экспертизаларининг сифати ва ишончилигини янада ошириш ниятидаммиз. Марказнинг ҳудудий бўлиmlарида ҳам Одам ДНКси суд-биологик, Материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси лабораторияларини бошқичма-бошқич ташкил қилишни мақсад қилганмиз. Эксперт хулосаларини халқаро миқёсда тан олиниши ва қўлланилишини таъминлаш мақсадида барча лабораторияларимизни, хусусан, вилоят бўлиmlаримизни бошқичма-бошқич халқаро аккредитациядан ўтказишни режалаштирганмиз.

Акрам ХАЛИЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
хузуридаги Хадича Сулаймонова номидаги
Республика суд экспертизаси маркази директори

ЛАБОРАТОРИЯЛАРДАН РЕПОРТАЖ

Марказнинг 70 йиллик фаолияти, тарихи ва бугунги куни юзлаб китобларга жам бўлгудек салмоқли. Унинг залворли тарихи бор, албатта. Марказнинг суд экспертизаси соҳасида ўзига хос мактаб яратган "Материаллар, ашёлар ва буюмларнинг криминалистик экспертизаси" лабораторияси 1972 йилда ташкил қилинган.

Ҳозирги кунда кимёгарлар, физиклар, биологлар, фармацевтлар ва муҳандис-технологлар экспертизанинг муҳим 11 та тури бўйича фаолият олиб боришади. Бу лабораторияда толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар, лак-бўёқ материаллари ва копламалари, нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар ва кучли таъсир килувчи дори препаратларининг экспертизаси ўтказилади. Шунингдек, таркибда спирт бўлган суюқликлар экспертизаси, суд тупроқшунослик экспертизаси, металллар, қотишмалар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар экспертизаси ҳам айнан шу йўналишда ўтказилади. Суд биология, Суд экология экспертизалари, бошқа тур объектилар, яъни табиати номатълум бўлган моддалар, шиша, керамика ва улардан тайёрланган маҳсулотлар, полимер материаллари-резина, пластмасса ва елимли материаллар, махсус кукунлар, портловчи моддалар, ёғ-мой маҳсулотлари, минерал ўғитлар экспертизаси ана шу жараёнда ўтказилади. Суд экология экспертизаси, Озиқ-овқатлар суд экспертизаси ҳам суд жараёнларида ҳақиқатни рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутди.

Қотиллик, йўл-транспорт ҳодисалари, зўрлаш, ўғирлик каби жиноятларни очишда толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизасини ўтказиш жуда катта аҳамиятга эга. Экспертизанинг асосий мақсади жиноятчи ва жабранувчининг кийимлари ўзаро алоқада бўлган ёки бўлмаганлигини, қотиллик курулини айбонлигининг ёки жабранувчининг кийими билан таъсирланганини, транспорт воситасининг жабранувчининг кийими билан контактда бўлган ёки бўлмагани фактларини аниқлаб беради.

Юқоридagi экспертиза турларининг айримлари билан алоҳида танишсак. Йўл-транспорт ҳодисалари, одам ўлдириш, ўғирлик, лак-бўёқ маҳсулотлари ёки улар билан бўялган буюмларнинг ўзаро алоқада бўлиши билан боғлиқ бўлган жиноятларда лак-бўёқ материаллари ва копламалари экспертизаси тайинланади. Тергов органларини кўпинча буюмларнинг бир-бири билан ўзаро алоқада бўлгани кизиқтиради. Чунки бу ҳолат жиноят вазиятларини аниқлашга ёрдам беради.

Ёнғин, ёқиб юбориш, жасадни ёқиб юбориш, йўл-транспорт ҳодисалари, турли жиноят изларини йўқотиш мақсадида объектиларга ўт қўйиш, бирор суюқликнинг нефть маҳсулотли турига таалуқлигини аниқлаш, нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларини ўғирлаш билан боғлиқ бўлган жиноий ишлар кўрилганда нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларини текшириш бўйича экспертиза тайинланади.

Қўлбола спиртли ичимликларни тайёрлаш ва уларни савдо турмоқларида сотиш ҳолатлари кўпلاб учрамоқда. Сифатсиз спиртлардан тайёрланган ичимликларнинг истеъмол қилиниши натижасида одамларнинг саломатлигига зарар етказилиши, ҳатто ўлим ҳолатлари ҳам амалиётда учрамоқда. Шу ва шунга ўхшаш ҳолатларнинг олдини олиш, бундай ҳодиса содир бўлганда унинг



"СУД ЭКСПЕРТИЗА: КЕЧА ВА БУГУН" ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ

тафсилотларини аниқлаш мақсадида суд-тергов идоралари таркибиде спирт бўлган суюқликлар экспертизасини тайинлайди.

Қотиллик, тан жароҳатини етказиш, номусга тегиш, талончилик, йўл-транспорт ҳодисаси сингари жиноий ишларда суд экспертизаси тайинланади, албатта. Инсоннинг ҳайвоннинг ва топилган буюмнинг аниқ бир ҳудудда бўлганлиги фактини аниқлаш суд тупроқшунослик экспертизасининг асосий вазифасига кирди.

Металлар, қотишмалар ва улардан тайёрланган буюмлар криминалистик экспертизаси товламачилик, фибригарлик, ўғирлик ва талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятларни очишда тайинланади.

СУД БИОЛОГИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ

Суд биология экспертизаси икки турга бўлинади. Бу экспертизанинг ҳар икки тури ҳам жиноий ҳолатларни очишда, айбдорни аниқлашда кўл келади. Суд ботаника экспертизаси ўсимликлар экспертизасидир. Масалан, тумон қилинаётган шахснинг кийимида ёки бIRON бир буюмда ўсимликлар, уларнинг қолдиқлари ва доғлари мавжуд бўлса, унинг воқеа жойидан олинган ўсимлик билан бир турга мансуб ёки мансуб эмаслиги айнан ботаника экспертизасида текширилади.

Суд зоология экспертизаси эса, жониворлар билан боғлиқ бўлган объектилар экспертизаси ҳисобланади. Қотиллик, зўрлаш, шахсни транспорт босиб кетиши, ўғирлик, ҳайвонларни ноқонуний йўл билан ўлдириш, уй ҳайвонларини ўғирлаш, тери, жун маҳсулотларини ўғирлаш каби жиноий ишлар кўриляётганда суд зоология экспертизаси тайинланади.

СУД ЭКОЛОГИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ

Ўсимликларнинг зарарқунданалари ва касалликларига қарши курашиш қондалари бузилиши, захарли кимёвий моддаларни қўллаш, балиқ хўжалиги ҳавзаларини қўриқлаш, сув ҳавзаларини ва тупроқни одам соғлиғига ёки бошқа жонотлар учун зарарли моддалар, бошқа чинкиндилар ва материаллар билан ифлосланганлигини аниқлаш каби жиноят ишларини очишда суд экология экспертизаси тайинланади.

Сув, тупроқ, ўсимликлар суд экология экспертизасининг объектилари ҳисобланади. Лабораторияда сув, тупроқни ифлослантирувчи, ўсимликларни захарловчи моддалардан пестицидларнинг ҳар хил бирикмалари, симоб, кўрғошин, рух, мис, хром, қалай, марганец каби оғир металллар ва уларнинг ҳар хил тузларини суд экология экспертизаси орқали тадқиқ этилади.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

Ишлаб чиқаришнинг сифати устидан назоратнинг сусайиши айрим вазиятларда сифатсиз маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишига олиб келади. Шу босис, озиқ-овқат маҳсулотларини текшириш долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Шунинг учун ҳам Марказда 2019 йилдан бошлаб озиқ-овқат маҳсулотларини текшириш экспертизасини ўтказиш жорий қилинди. Жумладан, спиртли маҳсулотлар, дон маҳсулотлари, салқин ичимликлар, сувлар ва ўсимлик мойлари таркибиде бегона захарли моддалар, оғир металллар тузларининг мавжудлиги текширилади. Тузлар микдорининг меъёр даражасидан кам ёки кўплиги ҳозирги замонавий сезгир хроматограф ускуналарида текширилади.

МАҲСУС КУКУНЛАР ЭКСПЕРТИЗАСИ — КОРРУПЦИЯНИ АНИҚЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛИ

Коррупция, порахўрлик, фибригарлик, товламачилик каби жиноятларни очиш ва тергов қилиш мураккаб жараён ҳисобланади. Кўпинча пора олиш ва бериш ҳеч қандай гувоҳарсиз содир бўлади. Шунинг учун тергов идоралари бу жиноятларни очишда ҳозирги замон криминалистика воситаларидан фойдаланади. Улар қаторида махсус кукунлар ва маркерлар (қаламлар) экспертизаси кенг қўлланилади.

Кўзга кўринмайдиган махсус кукунлар (люминофор) ва махсус маркерлар (қаламлар)дан фойдаланиш гумондор шахсни жиноят содир этилган вақтнинг ўзиде қўлга олишга имкон беради. Люминофор моддалар сифатида ФК-6, Б-3С, 490 РТ, 540Т, 458Т ва 440Т русумли махсус кукунлар ишлатилади. Улар ультрабинафша нурлар таъсирида ҳар хил нурланиш хусусиятига эга бўлиб, уларни ташувчи турли буюмларда ҳар хил ранда нурланади. Масалан, пулларда, қўлдан олинган суртмаларда, кийим сатҳларида, стол тортамси, китоб орасида, қоғоз ичида ва бошқа жойларда бўлиши мумкин. Бундай кукунлар ашёвий далилларда бор-йўқлигини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар суд кимёвий экспертиза доирасида олиб борилади.

Бунда экспертларнинг олдига мураккаб вазифа — ҳолатга аниқлик киритиш, айбдорнинг қимлигини аниқ хал этишдек масъулиятли иш туради. Экспертизага тақдим этилган ашёвий далилларда — пул купчаларида, кийимлар сатҳида, қўллардан артиб олинган суртмаларда махсус кукун излари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги текширилади.

Гулбахор ОРТИҚХЎЖАЕВА,
"Инсон ва қонун" мухбири



Тез тиббий ёрдам

ХОДИМИГА

АДЛИЯ ЁРДАМ БЕРДИ

БУХОРО шаҳрида яшовчи фуқаро Одил Ҳамидов шаҳардаги 3-сон оилавий поликлиникасида умумий амалиёт шифокори лавозимига ишлайди. Тез тиббий ёрдам мутахассислиги бўйича олий малака тоифасига эга. Аммо тоифаси учун ҳақ тўланмаган. Бундан норози бўлган О.Ҳамидов шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилган.

Ўрганиш жараёнида О.Ҳамидов ҳақиқатан ҳам 2014 йилдан буён Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 3-сон оилавий поликлиникада умумий амалиёт шифокори лавозимига ишлаб келаётганини, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 8 майдаги буйруғи билан унга тез тиббий ёрдам мутахассислиги бўйича олий малака тоифаси берилиб, бу ҳақда сертификат мавжуд бўлса-да, ушбу тоифа инobatта олинмасдан, белгиланган тартибда ҳақ тўланмаётганини аниқланди.

Амалдаги қонунчиликда тиббиёт муассасаларида тор доира мутахассислиги бўйича ишлаётган врачлар қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий ёки кўп тармоқли марказий поликлиникаларга умумий амалиёт шифокори лавозими бўйича малака тоифасини олиш учун белгиланган тартибда мурожаат қилганда тор доира мутахассислиги бўйича ишлаган давридаги иш стаж ва олган малака тоифаси инobatта олинади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли қарори би-

лан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнати ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида"ги Низомнинг 10-бандига асосан, врач ходимлар учун тариф сеткаси бўйича қуйидаги разрядлар — беморларда жароҳлиқ амалиётини ўтказадиган — операция қиладиган барча номлардаги врач-хирург, тезкор фаолиятни татминлайдиган ва реанимация чора-тадбирларини амалга оширадиган анестезиолог-реаниматолог врач, даволash тадбирларини амалга оширадиган эндоскопист врач, тез тиббий ёрдам кўчма бригадаси мутахассис врач, умумий амалиёт врач — олий тоифали бўлганда 10 разряд белгиланган.

Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи номига ушбу қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилиб, бирлашмага қарашли 3-сон оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори О.Ҳамидовга олий тоифаси учун иш ҳақи қайта ҳисоб-китоб қилиниб, 12 миллион 255 минг 635 сўм пул маблағ тўлаб берилди.

Абдурахимхўжа БАФАЕВ,
Бухоро шаҳар адлия бўлими бошлиғи

НАВОИЙ

БОЛА парваришидан ишга қайтган аёлнинг иш соатини унинг розилигисиз камайтириш қай даражада адолатли? Бу вазият оилавий шароит сабаб муддатидан олдин ишга чиққан аёл кишига салбий таъсир этиши табиий. Қизилтепа туманидаги сил касалликлар амбулаториясида туберкулёз фельдшер бўлиб ишлаган Шаҳодат Хирочева ҳам ана шундай ҳолатга тушгани боис ёрдам сўраб, туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Аниқланишича, Ш.Хирочева тиббиёт муассасасида таътилгача 0,5 ставкада ишлаган. Бола парвариши таътилидан қайтган ходимнинг иш ставкаси ҳеч қандай асосиз 0,25 га туширилган. Қолаверса, ходим март ойда фаолиятини бошлаган бўлса-да, шу давр учун меҳнат ҳақи ҳам тўлаб берилмаган.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 154-моддасида иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ тўлаши шартлиги, Кодекснинг 161-моддасида эса, меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланиши ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмаслиги, ҳақ тўланадиган кун дам олиш кунини ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арафасида тўланиши белгиланган.

Фуқаро Ш.Хирочеванинг тўланмай қолган иш ҳақи тўлиқ ундирилиб, асосиз қисқартирилган шатт бирлиги тиклаб берилди.

Авазхон РАҲМОНОВ,
Қизилтепа туман адлия бўлими масъул ходими

ХОРАЗМ

ҚАРОРДА БОР, АМАЛДА ЙЎҚ УСТАМА...

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ "Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларни мактабгача таълим олишига, шунингдек, уларни тарбиялаш ва реабилитация қилишга масъул бўлган мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларининг, педагог ходимлар ва тиббиёт ходимларининг лавозим маошлари ва базавий тариф ставкаларига 100 фоиз миқдорда қўшимча ҳақ тўланиши белгиланган. Аниқланишича, Хонқа туман мактабгача таъ-

лим бўлими томонидан 5-сон ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти масъул ходимларига мазкур устама ҳақлари тўланмасдан келинган.

Хонқа туман адлия бўлими томонидан киритилган тақдимномага кўра, туман мактабгача таълим бўлими томонидан педагог ва ходимларнинг лавозим маошлари ва базавий тариф ставкаларига 100 фоиз миқдорда устама ўтган йилнинг 7 ойи учун қайта ҳисобланиб, жами 329 миллион 395 минг 400 сўм тўлаб берилди.

Темурбек ЭШМЕТОВ,
Хонқа туман адлия бўлими бошлиғи

СИРДАРЁ

СИРДАРЁ вилояти Бандлик бош бошқармаси "Оқолтин" касб-хўнарга ўқитиш марказига таълим устаси лавозимига ишга қабул қилинган фуқаролар М.Солиева, З.Раҳмонова ва Д.Эминжановаларга ойлик иш ҳақи ўз вақтида тўлаб берилмаган. Шу боис, улар вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлишган.

МАОШСИЗ ҚОЛГАН ТАЪЛИМ УСТАЛАРИ



Ўрганиш давомида "Оқолтин" касб-хўнарга ўқитиш марказида меҳнат шартномаси асосида уч ой муддатга ишга қабул қилинган ушбу фуқароларга бандлик жамғармаси ҳисоб рақамида маблағ йўқлиги рўқча қилиниб, иш ҳақи тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Меҳнат кодексининг 154-моддасида иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат шартларига мувофиқ тўлаши шартлиги кўрсатилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг 3-бандига мувофиқ вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ходимларга иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун шахсан жавоб берадилар.

Мазкур қонунчилик ҳужжатларининг кўпол равишда бузилишига йўл қўйган Бандлик бош бошқармаси "Оқолтин" касб-хўнарга ўқитиш марказига вилоят адлия бошқармаси томонидан тақдимнома киритилди.

Натижада, М.Солиева, З.Раҳмонова ва Д.Эминжановаларга жорий йилнинг февраль, март, апрель ойлари учун 20 миллион 307 минг 645 сўм миқдордаги иш ҳақи ундириб берилди.

Тимур КАРИМОВ,
Сирдарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими



Таътилдан қайтган ХОДИМ НЕГА ИШСИЗ ҚОЛДИ?

ФУҚАРО Н.Ботированинг 2019 йил июль ойдан бошлаб бола парвариши таътилига чиққан бўлишига қарамасдан Шайхонтоҳур туман СЭОМ томонидан меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми билан бекор қилинганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

Мурожаатдаги масала юзасидан маълумотлар кўриб чиқилганда, Н.Ботирова билан тузилган меҳнат шартномаси 2020 йил 16 ноябрдаги Шайхонтоҳур туман СЭОМ бош шифокорининг буйруғига асосан, Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига кўра бекор қилинган.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 237-моддасида ҳомилдор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонанинг бутунлай туғатилиш ҳоллари

бундан мустасно. Бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни, албатта, ишга жойлаштириш шarti билан бекор қилиниши белгилаб қўйилган.

Бироқ, туман СЭОМ Н.Ботирова билан меҳнат шартномасини бекор қилишга мазкур тартибга риоя қилмаган, яъни бошқа ишга жойлаштирмасдан иш берувчининг ташаббусига кўра меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Туман адлия бўлими томонидан фуқаро манфаатида туман СЭОМ бош шифокорининг Н.Ботировани ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруғини гайриқонуний деб топиб, уни

янги ташкил этилган Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматига олдинги лавозими ва меҳнат шартларидан келиб чиқиб янги лавозимга ўтказиш мажбуриятини юклатиш сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Ариза қаноатлантирилиб, Н.Ботирова янги ташкил этилган туман СЭО ва ЖСХга врач-эпидемиолог ёрдамчиси лавозимига ишга тикланди.

Азимбой НУРУЛЛАЕВ,
Шайхонтоҳур туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси



“ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Адлия вазирлигининг “1008” қисқа рақамли “Ишонч телефони” фуқаролар энг кўп мурожаат қиладиган рақамлардан биридир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Адлия вазирлиги томонидан “Ишонч телефони”га қилинаётган мурожаатларнинг таҳлили олиб борилади. Бинобарин, бугун энг кўп келиб тушаётган мурожаатларга оид қонун ҳужжатлари хусусидаги маълумотларни муштарийлар эътиборига ҳавола қилмоқчимиз.

1. Бола икки ёшга тўлгунга қадар нафақа ва пенсия тўлаб берилмаётганлиги масаласи

Бу аксарият мурожаатларга сабаб бўлаётган масалалардан биридир. Аини масала хусусида гап кетганда, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 мартдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 122-сон қарорини алоҳида тилга олиш лозим.



Нафақа ва моддий ёрдам кимларга берилади?

- 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга;
- 2 ёшгача фарзанди бор оилаларга;
- кам таъминланган оилаларга.
- ун ва қоллипи нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун ҳар ойлик пулли компенсация берилади.

Миқдори қанча?

- Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдамнинг тўланадиган миқдорлари қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда белгиланади.
- 2021 йил 1 февралдан кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам — 326 000 сўмдан 653 000 сўмгача;
- Бола 2 ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа-434 000 сўм;
- 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа:
 - а) битта болали оилаларга — 144 100 сўм;
 - б) иккита болали оилаларга — 238 700 сўм;
 - в) учта ва ундан ортиқ болали оилаларга — 334 400 сўм.

Қанча муддатга тўланади?

- Болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам 6 ой муддатга, бола парвариши бўйича нафақа эса — 12 ойга тайинланади, бироқ бола икки ёшга тўлган ойдан кейинги ойга ўтмаслиги керак.
- Агар бир оилада туғилган, фарзандликка олинган ёки васийликка қабул қилинган икки ва ундан ортиқ икки ёшга тўлмаган болалар парвариши бўйича нафақа бир фарзанд учун белгиланган миқдорда кичик бола икки ёшга тўлгунга қадар тўланади.

Нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарор ким томонидан қабул қилинади?

Оилани кам таъминланган деб эъти-

роф этиш ҳамда уларга болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам ҳамда компенсация тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг “Ягона реестр” АТда шакллантирилади ва қабул қилинади.

Нафақа билан бирга моддий ёрдамни ҳам олса бўладими?

“Ягона реестр” АТ томонидан кам таъминланган деб эътироф этилган оила болали оилаларга тўланадиган нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдамнинг фақат бир турини олиш ҳуқуқига эга.

Нафақа ҳамда моддий ёрдам қандай оилаларга тайинланади?

Оиланинг ҳар бир аъзосига жами даромад аниқланадиган даврда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 0,527 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромадга эга бўлган оила кам таъминланган оила деб эътироф этилади. Изоҳ: меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори — 747,3 минг сўм (2021 йил 1 февралдан).

Даромад миқдори қандай аниқланади?

Оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача даромад болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам олиш учун мурожаат қилинган ойдан олдинги ойгача бўлган охириги уч ойи учун ҳисоблаб чиқилган барча оила аъзоларининг даромади суммасини оила таркибига киритиладиган оила аъзолари сонига ва учга бўлиш орқали аниқланади.

Кимлар ариза бериши мумкин?

Оиланинг муомалага лаёқатли исталган аъзосидан бири (отаси, онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс, 18 ёшга тўлган, ўз оиласига эга бўлмаган (отана-оnasi, улардан бири ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахс билан бирга яшовчи)

фарзанди (ёки оиланинг фарзандликка олинган боласи ёхуд васийликка олинган шахслар) ариза берувчи бўлиши мумкин.

Нафақа ва моддий ёрдам олишда кимларда устунлик бор?

- бола уч ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилувчи оналарга (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга);
- таълим муассасаларида ўқиётганларга (таълимнинг кечки ва сиртқи ўқиш ҳолатлари бундан мустасно);
- ишламайдиган пенсионерларга, давлат пенсияси тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган шахсларга ва меҳнатга лаёқатсизлик юзасидан нафақа олувчи фуқароларга, ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга, I ёки II гуруҳ ва болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга;
- амалда томорқа ер ва ёки деҳқон хўжалигини юритиш билан банд бўлган оила аъзоларига;
- 16 ёшгача болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларнинг оналарига (онаси бўлмаган ҳолда, отасига), оила аъзоси ҳисобланган I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсни ёки ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган кексаларни парвариш қилаётганларга (ушбу маълумот Пенсия жамғармаси бўлими томонидан аниқлаштирилади);
- чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларига;
- оиланинг “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида (ўзини ўзи бошқариш органининг оила таркиби ва иқтисодий аҳоли тўғрисидаги маълумотида ёритилиши лозим) оилавий тадбиркорликда банд бўлган, бироқ ушбу дастур бўйича микрокредит олинган санадан бошлаб кўпи билан 12 ой банд бўлган аъзоларига;
- суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўйича жазони ижро этиш муассасаларида эканлиги муносабати билан оилада бўлмаган аъзоларига;
- туман (шаҳар) аҳоли бандликка кўмаклашиш марказига иш қидирувчи сифатида расмий мурожаат қилган ёки ишсиз сифатида рўйхатга

олинган, ушбу марказ томонидан касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ёки малака оширишга юборилган, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар.

Қачондан бошлаб тўланади?

Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам белгиланган тартибда ариза берувчи мурожаат қилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Бола парвариши бўйича нафақани келгусида ҳам олиш мумкинми?

Бола парвариши бўйича нафақани олишни давом эттиришга муҳтож бўлган шахс (ёки оиланинг муомалага лаёқатли аъзоларидан бири) тўловнинг олдинги 12 ойлик муддати тугашидан бир ой олдин ушбу нафақани бола икки ёшга тўлгунга қадар узлуksиз тўлашини давом эттириш масаласини ҳал этиш учун аризани белгиланган тартибда такроран бериш ҳуқуқига эга.

Аризани кимлар бериши мумкин?

Оилани кам таъминланган деб эътироф этиб, унга болали оилаларга нафақа ёки бола парвариши бўйича нафақа ёхуд моддий ёрдам яшаш жойи бўйича оиланинг муомалага лаёқатли аъзосининг ёзма аризасига асосан тайинланади. Болали оилаларга нафақа ёки бола парвариши бўйича нафақа ёхуд моддий ёрдам тайинлаш учун ариза зарур ҳужжатлар билан бирга бевосита ариза берувчининг доимий ёки вақтинча яшаш манзилидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилади ва рўйхатга олинади.

Ариза қандай ҳужжатлар илова қилинади?

- ариза берувчи оила аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси паспорти нусхалари ёки ID-карталари;
- чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳнома-муалари, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳнома-муалари ёки ID-карталари ҳамда яшаш жойи бўйича рўйхатга

ТЕЛЕФОНИ”ГА

ИШОНЧ ОРТМОҚДА



2. Ипотека кредитлари орқали уй-жой билан таъминлаш, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож оилаларни ижтимоий ва молиявий қўллаб-қувватлаш масаласи

олинганлиги тўғрисида қайд варағи нусхаси;

- болалари васийлик остида бўлган тақдирда, аризага васийлик ва ҳомийлик органининг қарори нусхаси;
- оиланинг мавжуд чорва моллари ва паррандалари тўғрисида маълумот;
- ариза берувчи ва унинг оила аъзолари номидаги тижорат банки ҳисобварақларидаги маблағ қолдиқлари ва ариза берилган ойдан олдинги 3 ой мобайнида уларнинг номига ўтказилган виртуал идораларига бўлаётган мурожаатларнинг салмоқли қисмини ташкил қилади. Бинобарин, 2021 йил 11 мартда Президентимизнинг “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган. Унга кўра, бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби доирасида кўп квартиралар уй-жойлар қурилади.



Нафақа ва моддий ёрдам олиш учун оила таркибига кимлар киритилади?

- фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида никоҳи қайд этилган эр-хотин (ёки уларнинг бири).
- улар билан бирга яшайдиган ва уларнинг қарамоғида бўлган болалар (шу жумладан, васийликка (ҳомийликка) олинган болалар), шунингдек, ота-оналари билан бирга яшайдиган ва ўз оиласига эга бўлмаган 18 ёшдан катта болалар (шу жумладан, васийликка (ҳомийликка) олинган болалар), ёлғиз оналар (оталар) киритилади.

Бир ойлик ўртача жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмаган оиланинг жами даромадига оила томонидан қуйидаги даромадлар киритилади:

- меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар;
- мулкий даромадлар;
- якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва ўзини ўзи банд қилган фуқароларга ҳисобланадиган норматив даромадлар;
- пул тушумлари, шу жумладан, чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларидан пул ўтказмалари суммаси;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашганлик учун шахсга тўланган меҳнат ҳақи;
- пенсиялар ва нафақалар;
- тадбиркорлик фаолиятини бошлашни хоҳловчи иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, шу жумладан, штамплар ва муҳрлар олиш, электрон рақамли имзо олиш, тадбиркорликка ўқиш харажатларини тўлаш ва кредитни олиш чоғида сугурта полиси ҳақини тўлаш ҳамда енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш, уруғликлар, кўчатлар, сугориш воситалари олиш учун меҳнат органлари томонидан ажратилган субсидияларни олган жисмоний шахсларга ҳисобланадиган норматив даромадлар;
- томорқа ер ва ёки деҳқон хўжалигини юритишдан олинган даромад;
- чорва моллари ва паррандалари мавжуд бўлган фуқароларга ҳисобланадиган норматив даромадлар;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа даромадлар.

Ушбу масала нафақат Адлия вазирлигининг “Ишонч телефони”га, балки Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, Халқ қабулхоналари, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа давлат идораларига бўлаётган мурожаатларнинг салмоқли қисмини ташкил қилади. Бинобарин, 2021 йил 11 мартда Президентимизнинг “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган. Унга кўра, бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби доирасида кўп квартиралар уй-жойлар қурилади.

Фармон билан 2021 йилда янги тартиб доирасида:

- республика бўйича жами 33 114 та квартиралар ва якка тартибдаги уй-жойлар;
- қишлоқ жойларда 8 336 та квартирадани иборат кўп қаватли арзон уй-жойлар;
- фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун 3 550 та квартирадани иборат кўп қаватли уй-жойлар қурилади.

Шунингдек, 2021 йил учун уй-жойларнинг ҳисобланган қиймати, бир қарз олувчига ажратилмаган ипотека кредити ва дастлабки бадалнинг бир қисми учун Давлат бюджетидан ажратилмаган субсидияларнинг энг кўп миқдори тасдиқланди.

Жисмоний шахсларга якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун кредитларни ажратиш тартиби барча ҳудудларда жорий этилди (илгари Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида жорий этилган эди).

Бунда:

- кредитлар Қорақалпоғис-

тон Республикаси ва ҳар бир вилоятда 500 та, жами 6500 та якка тартибдаги уй-жойни қуриш (реконструкция қилиш) учун ажратилади;

- кредитлар ипотека кредитининг энг кўп миқдорларидан ошмайдиган ва дастлабки бадали якка тартибдаги уй-жойни қуриш (реконструкция қилиш) ишлари қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, 6 ойлик имтиёзли давр билан 20 йил (йигирманчи йилни ҳам қўшган ҳолда) муддатга ажратилади;

- даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларга якка тартибдаги уй-жойларга ажратилган ипотека кредитлари бўйича дастлабки 5 йил мобайнида фоиз ставкасининг 10 фоизлик пунктдан ошган қисмини қоплаш учун Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилади;
- субсидиялар қурилган (реконструкция қилинган) якка тартибдаги уй-жойнинг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган ойнанинг кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Фармонга кўра, 2021 йил 1 июндан бошлаб ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар тўлашнинг соддалаштирилган тартиби жорий қилинди.

Унга мувофиқ:

- фуқаролар томонидан субсидия олиш учун аризалар йил давомида топширилиши мумкин;
- субсидия олиш учун мурожаат қилган ариза берувчининг даромадларига у билан бирга яшамаётган яқин қариндоқларининг даромадлари ҳам киритилиши мумкин;

- субсидия олиш учун мурожаат қилган ариза берувчидан “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали олиш мумкин бўлган ҳужжатларни (маълумотларни) талаб қилиш ман этилади;

- уй-жой сотиб олиш учун субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарнома улар берилган вақтдан бошлаб 12 ой давомида амал қилади.


Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқаролар, шу жумладан, хотин-қизларни ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштириш учун уй-жойлар сотиб олинади (1 000 та квартира).

2021 йил 1 июндан Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида бошланасиз, оғир турмуш шароитига тушиб қолган ҳамда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган фуқароларга ижара харажатларининг бир қисмини қоплаш учун 6 ой давомида ойлик ижара тўловининг 50 фоизи миқдоридан, бироқ БҲМнинг икки ярим бараваридан ошмаган ҳолда ойлик пул компенсациясини тўлаш тартиби жорий қилинди.

Фармонга кўра, ижтимоий ҳамкорликни янада кучайтириш, компенсация, субсидиялар ва давлат томонидан тақдим этиладиган бошқа имтиёزلарни адолатли тақсимлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш мақсадида “Халқарвар” комиссиялари ташкил этилади.

2021 йил 1 октябрда цемент маҳсулотини (ТИФ ТН коди 2523) Ўзбекистонга олиб киришга боғжона божининг нолиф ставкаси қўлланилади.

2021 йил 1 майдан якка тартибдаги уй-жойларнинг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилиб, Қурилиш вазирлиги расмий веб-сайтида жойлаштириш ишлари бошланган.



КАТТАҚҮРҒОННИНГ “ЎГАЙ” ҚИШЛОҒИ

ҲАР доим эр-хотин ўртасида бўлиб турадиган даҳана-ки жанг бу гал анча жиддийлашиб кетди. Уй бекаси ўзини тута олмай, эрига бор захрини соча бошлади.

— Уч кундан буён сув камайди деб жаврайман, парво қилмайсиз. Мана, бугун нонушта учун чой кўйишга, тушликка овқат қилишга бир қултум ҳам сув йўқ! Ўтган сафаргидек яна кўшинникдан сув сўраб тиланчилик қиламанми? Йўқ, энди уяламан бундай қилишга...

— Инсоф борми сенда, бир машина сув сотиб олганимга бир hafta бўлгани йўқ-ку! Қишлоққа сув ташийдиган ҳайдовчилар ҳам сувнинг нархини кундан-кунга оширяпти. 100 минг сўмга кўйиш-маяпти, ёқилгининг нархи қиммат, дейишяпти. Аҳвол шундай бўлса, энди сув сотиб олиш учун ҳамён чидамайди, хотин!

— Нима қилай, дадаси, ёзда сув кўп кетади-да! Хали ҳам шу пайтгача кирни ариқ сувига ювиб, мол-ҳалқа ариқдан сугориб, эглаб келаятгандим. Шу hafta ариқда ҳам сув қуриди.

Юқоридаги эр-хотин ўртасидаги бу машахаш уйдирма эмас, аини хақиқат! Каттақўрғонда шундай бир қишлоқ бор. Одамлари ариқ сувини ҳам кўзига суртишяпти.

Каттақўрғоннинг “Олмазор” маҳалласи ҳудудидаги Абулқосим қишлоғида 285 хонадонда 2 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Йигирма йилдирки, қишлоқ аҳолиси ичимлик сувини 15 километр узоқликда бўлган Каттақўрғон шахридан келадиган сув ташийдиган машина ҳайдовчисидан сотиб олади. Қишлоқда тоза ичимлик суви қазиб чиқариш учун қурилган сув чиқариш иншоотининг бузилганига 20 йил бўлди. Абулқосимликлар ўтган йиллар давомида уни тузатиш учун учрамаган идораси, мурожаат қилмаган раҳбари қолмади. Энг кизиги, ҳар гал уларнинг мурожаатини ҳал қилиш учун келган мутасадди ташкилотлар нуқул ваъда бериб кетишяпти. Кейин эса, йиллаб қорасини кўрсатишяпти.

— Эски бўлсаям, катта ҳажмда тоза ичимлик сувини чиқариш иншоотимиз бор, — дейди меҳнат фахрийси Тўйчи Муродов. — Авваллари ундан истеъмолга яроқли, тоза, ширин сув чиқарди. Лекин шунча йилдан буён уни таъмирлатолмайяпмиз. Мурожаат қилмаган жойимиз қолмади. Туман, вилоят ҳокимлиги, сув учун мутасадди “Сувоқва” ташкилоти раҳбарла-

рига бир неча мартаба мурожаат қилдик. Барибир фойдаси бўлмапти. Нахотки, икки минг аҳоли истиқомат қиладиган қишлоқ аҳолиси учун битта сув чиқариш иншоотини таъмирлаб бериш шунчалик қийин бўлса?! Президентимиз ташаббуси ва бошчилигида қишлоқларни обод қилиш, одамларнинг фаровон яшашини учун катта-катта ишлар қилинмоқда. Лекин бу ислохотлар бизни қишлоққача етиб келгани йўқ! Билмадим, туманимиздаги масъул раҳбарлар қачон уйғонишаркан? Қишлоғимиз аҳолиси учун тоза ичимлик суви муаммосини қачон ҳал қилиб берад экан?!

Абулқосим қишлоғида бўлган кунимиз аҳолининг шикоятини ўринли эканига гувоҳ бўлдик. Ёзининг жазирама иссиғида сувсиз яшаш осони? Абулқосимликлар қачонгача бир қултум сувини ўйлаб, ҳисоблаб ичяпти, қачонгача икки мингга яқин аҳоли ўн беш чақирим узоқдаги тоза сувга кўз тикиб яшайди?! Айниқса, ариқдам сув бўлмай қолса, қорамолу парранданинг, экинзорнинг аҳоли қай даражага тушишини тасаввур қилверинг.

Маҳаллий раҳбарларнинг хотир-жамлигиндан, масъулиятсизлигиндан дилимиз ранжиди.

— Қишлоғимиз Каттақўрғон учун ўгайм дейман, — дейди шу ерда истиқомат қилувчи Бектез Омонов. — Йўлларнинг нетекислигиндан юриб бўлмайди. Ёзда чанг, қорли, ёмғирли кунларда, қишда лой. Табиий газ ҳам муаммо! Одамлар ўз ҳисобидан газ қувурлари тортишган. Лекин газнинг ўзи йўқ. Сув ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Мен яшайдиган қишлоқ адоғида ичимлик суви у ёқда турсин, оқова сув ҳам йўқ. Дарахтларни, экинларни, қорамолларни сугориш учун ҳам сувини сотиб оламиз. Бу нима деган гап, ахир, XXI асрда яшаймиз-ку! Бир нарсга ҳайрон қоламан. Неча йиллардан буён абулқосимликларнинг арзи-додини ҳеч ким эшитмайди. Ахир, бизлар ҳам шу ернинг одамимиз-ку, Каттақўрғонга ўгаймиз-ку!

— Ҳақиқатан ҳам, Абулқосим қишлоғида аҳвол оғир, — дейди “Олмазор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Отабек Саматов. — Айниқса, тоза ичимлик суви муаммоси халқни қийнаб қўйган. Сув

сотиб олиб, одамларнинг тинкаси қуриди. Бу масалани ҳал қилиш учун вилоят ҳокими ҳам мурожаат қилганми. Ҳоким туман “Сув оқва” бўлими бошлиғи Фарход Пирматовга бундан 6 ой олдин муаммони ҳал қилишни топширган-ди. Мана, орадан шунча вақт ўтса ҳам, ҳеч қандай натижа йўқ.

Каттақўрғон туманидаги “Олмазор” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Абулқосим қишлоғида тоза ичимлик суви, табиий газ неча йилдирки, муаммо бўлмоқда. Бу муаммоларни ким, қачон ҳал қилади?! Ўз пулига тортиб келган қувурдан газ келмаса, сув чиқариш иншоотини ҳам ўзи таъмирлатса, сув келишига ишонарми одамлар? Бу саволларнинг жавоби маъмулчиқа қолмоқда. Йўлларнинг таъмирталб-лигиндан қишлоқ аҳолининг Каттақўрғонга ўгаймизми, деган гапга ҳайрон бўлмайсиз. Каттақўрғон туманидаги масъул раҳбарлар ҳам уйғониб, халққа юқоридаги муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беришдан умидвормиз.

Азим ҚОДИРОВ,
журналист

Карел ЧАПЕК

ЛОЙИҲА

ҲИКОЯ

“Мухтарам Молия вазирлиги, қамина солиқ инспектори сифатида ўттиз беш йил ишладимдан, ҳалол хизмат қилиб, икки йил бурун пенсияга чиқдим. Машаққатли меҳнат йилларим давомида бой тажриба тўпладим ва шуни айтишим мумкинки, ўз соҳамни ақсар молиячилардан авло тушунаман; алаҳқусе, шунга амин бўлдимки, қарийб барча одамлар, қимники учратган бўлсам, солиқларни ҳеч бир рағбатсиз, истаб-истамай, ҳатто айтиш мумкинки, рўйроқ норизо бўлиб тўлайдилар, буни ошқора равишда солиқ органлари хизматчиларига, шунингдек, бевосита бир-бирларига, чунончи, ўзаро суҳбатларда, тамадхоналарда, мижозлар билан гаплашган чоғларда ва ҳокозоларда билдирадилар. Нима эмиш, киши лавнатланган каби солиқ тўлайди-ю, нима учун тўлаётганини билмайди; ёки бўлмаса, “ана, бизнинг пулимиз фалон нимарсаларга кетиб ётир, бизнинг райондаги йўлларни таъмирлашга келганда эса, албатта, пул йўқ”, деганга ўхшаш мазмундаги гап-сўзларга қамина бир неча бор гувоҳ бўлганман.

Шу боисдан, рисоладаги солиқ тўловчи ўз пулларини берад экан, бундан қониқиб туймаслиғига сабаб, у Табаррук газамиз унинг пешона тери эвазига топган ақчасини нимага сарфлашини тасаввур қила билмаслиги; бу пуллар унинг ўзи ҳам шод бўлиб, маъқуллов тайин бўлган умумманфаати мақсадларига сарфлашини ишончи қомил эмаслиғида деб ўйлайман.

Ўз тажрибамга асосланган ҳол-

да узоқ мулоҳаза юритиб, пироваҳ-да шундай ҳулосага келдимки, солиқ тўловчиларимизнинг ушбу иштиғекин қондиришда ҳеч бир мушкуллик йўқдир.

Қамина буни қуйидагича тасаввур қиламан: ҳар бир солиқ тўловчи ҳар гал солиқ тўлаётганида ундан ушланаётган солиқ айнан қай бир эҳтиёж учун сарфланишига доир билдириш хати олса. Масалан олганда, бундай: “Сиздан солиқ сифатида олинаётган маблағ ҳисобидан тўрт юз эллик биринчи километрда етти метр йўл ётқизилди”. — “Сизнинг бу тўловингиз илгари почта бошлиғи бўлиб ишлаган, фалон манзилда яшовчи Адольф Копецкийга пенсия сифатида тўланади”. — “Сиздан олинган солиқлар ҳаво ҳужумига қарши фалон ва фалон полклар учун янги прожекторлар сотиб олишга йўналтирилади”.

Солиқ йиғинидаги маскур янги усулнинг афзал жиҳатларини тубандагиларда кўриш мумкин бўлади:

1. Ўз пулларининг қайқасқа кетаётганидан бохабар солиқ тўловчи солиқларни ижирганмай, хуш кайфият билан тўлайдиган бўлиши мумкин.
2. Бу ҳол унда пуллари йўналтирилган халқ ҳўжалиғи соҳаларига ниҳоят даражада қизиқшини уйғотади.

Аниқроқ ифода этадиган бўлсам, юқорида зикр этилган ҳолатларда рисоладаги солиқ тўловчи маҳаллий мактаб қоровули бўлиш пан Иозеф Врабец зиммасидаги мажбуриятларни қандай адо қилмоқда, йўлақлар супуриб-сидирилганими, кўнгирукни ўз вақтида чалайитими, пан Врабец деганимиз мойнасига яраша яшаётганими ва умуман, ёшларимиз учун масъул бўлган мактаб қоровули ўзини муносиб тутаётганими-йўқми, шахсан қизиққан бўлур эди.

Солиқ тўловчи тўрт юз эллик биринчи километрга — маскур участкада йўл қурилиш ишлари қандай кетяпти, биров ўғирлик қилмаяптими, қисқаси, автойўлнинг унинг ҳиссасига биттаётган қисми қандай ҳолатда эканини ўзи кўриб, ишонч қилиб кишини учун жунаган бўларди.

Худди шу каби, солиқ тўловчи кекса жаноб ҳеч нарсга зорикмаяптими ёки бўлмасам, пивохонага ҳаддан зиёда қатнаб юрмаяптими ва х.к.га ишонч ҳосил қилиш учун собиқ почта бошлиғи, аини паллада хизматлари эвазига ҳақли тарзда дам олаётган пан Адольф Копецкийни ўйлаган ва бунда ўзини бевосита дахлдор санаб, эҳтимолки, ҳатто уни яқшанбада уйига тушликка таклиф қилган бўлар эди.

Мос равишда, унинг прожекторлар ва умуман, харбий ишларга қизиқини ортиб, ўзини армиямизнинг аслаҳа таъминотига хизмати сингган деб ҳисоблаган бўлар эди. “Аллақачон армиямизда прожек-

торлар бор! — деган бўларди у. — Мен улар учун тўлаяпману, биламан-да!..”

Молия вазирлиги эйтиборга лозим топсалар, ушбу мураккаб бўлмаган янгилик кўмаги билан солиқ тўловчида унинг ҳисобидан чегириб қолинган маблағдан молиялаштирилаётган барча нарсга ҳурмат туйғуси уйғонар эди; унинг ўзи пуллари ўринли сарфланаётганини назорат қилган бўлар, фуқароларда халқ ҳўжалиғи соҳаларига бўлган қизиқини ортар эдикки, йиғилган маблағнинг фойдаланиш мақсадлари ҳар йили ўзгариб турган ҳолатда, алаҳқусе.

Солиқ тўловчи унинг пуллари нимага ишлатилишини, пуллари-нинг сарфи борасида тегишинча, қандай ўзи каби ишлашларини худди назорат қилишини, зарурат тугилганида, дейлик, йўл қўйиши мумкин бўлган беадаблиғи учун мактаб қоровули Иозеф Врабецга ёхуд тўрт юз эллик биринчи километр ёғ тушса ялағудек эмаслиғи боис беғам йўл назоратчисига танбех беришини ўйлаб, аввалдан ўзида хуррамлик туйган бўлур эди.

Улар орасида шундайлар ҳам топишган бўлар эдикки, — аминман, улар оз эмас, — тўловларини ҳийла юқори мартабали амалдорнинг таъминотига йўналтиришлари учун ҳам маълумотномада ўз даромадларини атайин ошириб кўрсатишлари мумкин; кўпчилик энг қамиди собиқ маъсхатчининг таъминоти учун солиқ тўловчи мақомига қадар кўтарилишни ўзига шараф деб ҳисоблайдиган бўлар

эди. Айрим солиқ тўловчилар эндигина хизматни бошлаган амалдорларни қизи билан таништириш мақсадида оилаларга таклиф қилиш ҳолатлари ҳам учраши эҳтимолдан йироқ эмас; умуман, молия муассасалари ва солиқ тўловчи қатлам орасида ҳар икки томон манфаатига хизмат қилувчи мустаҳкам ришта ўрнатилган бўлур эди.

Пешона тери билан топган пулларининг банкрот бўлган қайсидир банк санациясига йўналтиргани ҳусусида билдириш хати олган майда солиқ тўловчининг бундан қанчалар гурурланишини тасаввур этиб кўрайлик. Ёки бўлмаса, солиққа қайтарилган пуллари шерьият ва адабиёт соҳасидаги давлат муқофоти учун сарф қилинажойи ҳақида маълумот Пьезенскийдаги пиво заводининг бошқарув аъзолари учун нечоғли қутилмаган хушхабар бўлар эди!

Қамина тақдим қилаётган бу янги лойиҳа сабаб солиқ тизимида қандай жонланиш юз беришини ҳатто тўлиқ тасаввур қилиб бўлмайди! Солиқ тўлашда оғир мажбурият тўловчига чин маънода тобора ортиб борувчи шахсий манфаат, турли эрмақлардан дарак берувчи ажабтовур саргузашт қилдиришга айланиб кетиши мумкин.

Шулар боис, мухтарам вазирлик, ушбу қамтарона ташаббусига лўфтан эйтибор қаратишини-гизини сўраб қолувчи камсуқум камнангиз NN”.

Шавкат ЁДГОРОВ таржимаси

ЎЗИНИ БЮРОКРАТИК ИЛЛАТЛАРДАН ХАЛОС ЭТОЛМАЁТГАН

ИДОРА ВА ТАШКИЛОТЛАР ҲАЛИ ҲАМ БОР

ЯХШИ биласиз, жисмоний ва юридик шахслар томонидан сўралган ҳужжатларни қисқа муддатларда ҳозирлаб, сўровчига тақдим этиш давлат хизматлари муассасалари олдида қўйилган энг муҳим ва долзарб вазифалардан биридир.

Давлат хизматлари агентлигининг Хоразм вилоят бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимларида у ёки бу турдаги хизматларни кўрсатиш юзасидан ҳар йили 10 минглаб мурожаат келиб тушади. Айрим бюрократик тўсиқлар, қоғозбозлик, сансалорлик ҳолатлари агентлик ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан бартараф этилаётгани ҳам кўпчиликка аён.

Амалга оширилган назорат тadbирлари давомида биргина жорий йилда аҳоли ва юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида 42 минг 108 та қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйилганлиги аниқланди. Хизмат кўрсатиш муддатларининг бузилиши энг катта қусур сифатида қайд этилди. Бундай ҳолатлар 23 минг 685 тани ташкил этди. Рухсат этилмаган тарзда тўғридан-тўғри хизмат кўрсатиш ҳоллари 16 минг 469, қонунни бошқача шаклда бузиш ҳоллари эса, 1 минг 700 тага етгани маълум бўлди.

Замонамиз идоравий ҳужжат ва ҳисоб-китоб ишларини юритиш соҳасида азалдан мавжуд бўлиб келган чалқашлик, пала-партишликларни ҳазм этолмайди. Лекин, афсуски, шу йўсинда иш тугувчилар ҳали ҳам орамизда топилади. Ҳисобидан адашган, ҳужжат юритишни эпломлаётган, аҳоли мурожаатларини назар-писанд қилмаётган, ўзини бюрократик иллатлардан ҳалос этолмаётган идора ва ташкилотлар

ҳозир ҳам жуда кўп. Ҳаётини тажриба эса, баъзи субъектларда бир жабҳанинг иши ортга кетса, унинг касри бошқасига ҳам уриши, қусурлар кўпдан озга эмас, балки оздан кўпга ортиб боришини кўрсатади.

Аниқланишича, ўтган бир йил мобайнида “Хоразм ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамиятига йилга 20 киловаттдан кўп энергия истеъмолчилари учун таъминот лойиҳаси бўйича давлат хизматларини кўрсатувчи идоралар томонидан жами 1 минг 89 та мурожаат келиб тушган.

Бироқ, уларни кўриб чиқиш маҳали сансалорлик, беписандлик касали хуруж қилган. Оқибатда, 45 та мурожаат эътибордан четда қолган. Акциядорлик жамияти мутасаддилари мурожаатларнинг 1 минг 44 тасини кўриб чиқиш билан қифолланган. Ачинарли жиҳати шундаки, бу электр энергияси таъминотчиларининг ягона қусури эмас. Ўрганишлар асосида яна 608 та мурожаатнинг кўриб чиқиш муддатлари бузилгани ошқор бўлди.

Бугунги кунда бой берилган ҳар бир дақиқанинг баҳоси олтинга тенглик назарда тутилса, мазкур корхонага мурожаат қилганларга етказилган зарарнинг миқдорини тасаввур қилиш қийин эмас.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган “East design group” хусусий корхонаси электр таъминоти идорасидаги сансалорликлардан

азият чеккан тadbиркорлик субъектларидан биридир. Балки, ишмни пайсалга солишмас, деган умидда мазкур корхона раҳбарининг ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қилган мурожаати ана шу идорада 39 кун мобайнида бежабов қолиб кетди. Мурожаатчи 2020 йилнинг 7 августидан қуввати 20 киловаттдан юқори бўлган электр энергияси истеъмолчилари учун белгиланган таъминот лойиҳасини ўзаро келишиш масаласида таклиф билан чиққан эди. Унинг мушқули мурожаат кўриб чиқилгани билан осонлашиб қолмади. Лойиҳани келишиш ҳақидаги талаб барибир рад қилинди.

Давлат хизматлари агентлиги орқали кейинги ойлар мобайнида йўлланган сўровларнинг тақдирини ҳам шундай кечди. Белгиланганидан кўпроқ ҳажмда электр энергиясига бўлган эҳтиёжни қондириш юзасидан ишлаб чиқилган лойиҳаларни келишиш бўйича қилинган 256 та мурожаатнинг 128 таси ўз муддатида кўриб чиқилмади. Аслида эса, қонун талабига риоя этилдиланган бўлса, бундай мазмундаги мурожаатлар 1 ҳафта мобайнида ҳал этилиши, тегишли тартибда жавоб қайтарилиши шарт.

Электр таъминоти корхонаси мутасаддилари қонунчиликнинг ушбу талабини ҳам унутиб қўйишган кўринади. Ўз хизмат вазифаси, зим-

масидаги бурч ва мажбуриятларга нисбатан бу тахлитдаги совуққонликдан кейин мурожаатчининг бирор наф кўришига умид йўқлиги кундай равшан.

Мурожаатчиларни менсимасликнинг яна бир намунаси “Marimbo yevto qurilish” масъулияти чекланган жамиятининг давлат хизматлари портали орқали юборилган мурожаатига бўлган муносабатда ҳам кузатилди. Электр таъминоти идораси тadbиркорлик субъектининг қонуний манфаати кўзланган сўровнинг жавобини 24 кун мобайнида асоссиз пайсалга солиб келган. Тупроққалъа туманидаги “Babadjanov Hamdam Adambaevovich” тadbиркорлик субъектининг айнан шу мазмундаги мурожаатини кўриб чиқиш жараёни ҳам муддати ўтиб, яъни “техник шарт”ни тайёрлаб бериш ишлари 21 кунлик кечикишдан сўнггина ниҳоясига етказилган.

Кейинги 2 ой ичида акциядорлик жамиятининг шаҳар ва туманлардаги корхоналарига келиб тушган мурожаатларга бўлган муносабат тарзи ҳам ўрганилди. Таассуфки, қонуний сўровларга нисбатан ноқонуний муносабат бу жабҳада ҳам ўзини кўрсатди. Ушбу даврда келган 2 минг 976 та мурожаатнинг 1 минг 260 таси қонун талаблари бузилган ҳолда кўриб чиқилгани ошқор бўлди.

Бу каби ҳолатлар мазкур корхо-

нада қонунбузилиш ҳоллари тизимли ва сурункали равишда бузилаётганидан дарак беради. Фикримиз беасос эмас. Факт ва рақамлар мазкур акциядорлик жамияти жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат хизматлари муассасалари орқали юборилаётган мурожаатларга нисбатан ёт ва ғализ муносабатни энг кўп намоён этаётган идора ва ташкилотларнинг олдинги сафида бораётганидан далолат беради.

Статистик маълумотлар бу каби жиддий нуқсонлар “Хоразм сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти, “Худудгаз Хоразм” газ таъминоти филиали фаолиятида ҳам мавжудлигини тасдиқлади. Эътирозга сабаб бўлаётган бундай ҳоллар бевосита аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолиятида содир бўлаётгани чиндан ҳам ачинарлидир. Бунга, албатта, чек қўйилиши лозим. Шу ўринда давлат хизматлари агентлиги раҳбарларига Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 215^а ва 245^а-моддаларига кўра, бир қатор тарбивий ва жазо чораларини қўллаш ваколати берилганини алоҳида эслати ўтиш ўринли.

Нодирбек ЖУМАНИЕЗОВ,
Давлат хизматлари
агентлигининг Хоразм вилоят
бошқармаси бошлиғи

“ЭНДИ БОШҚА ЁШЛАР КАБИ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИМАН”



Самарқанд шаҳридаги лўли миллатига мансуб аҳолининг муаммолари ўрганилиб, бартараф этилмоқда. Хусусан, бунда туғилганлиги қайд қилинмаган фуқароларнинг манфаатлари таъминланишига алоҳида эътибор қаратилган.



Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистонда истиқомат қилаётган лўли миллати вакилларининг турмуш тарзини яхшилаш, уларнинг мамлакат ҳаётидаги фаоллигини оширишга қаратилган долзарб вазифалар ҳақида”ги йиғилиш баёни билан тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг ижросини таъминлаш мақсадида туғилганлик ва ўлим тўғрисидаги гувоҳномаларга эга бўлмаган лўли миллатига мансуб шахсларнинг рўйхатини шакллантириш ҳамда ушбу турдаги гувоҳномаларни белгиланган тартибда расмийлаштириб бериш борасида Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси томонидан самарали ишлар олиб боришмоқда.

Жумладан, Самарқанд вилоят ҳокимлиги бошчилигида олиб борилган ўрганишлар давомида Самарқанд шаҳар “Шарқ” МФЙ ҳудудидаги 10 нафар, “Фидойилар” МФЙ ҳудудидаги 100 нафар ҳамда “Сарбадорлар” МФЙ ҳудудидаги 140 нафар лўли миллатига мансуб фуқароларнинг туғилганлик гувоҳномаси йўқлиги аниқланган. Уларнинг

аксариятини 10 ёшдан ошганлар ташкил қилади. Уларга қулайлик яратиш мақсадида гувоҳномалар Самарқанд шаҳар 2-сон ФХДБ бўлими томонидан қисқа муддатларда расмийлаштирилиб, ҳужжатлар маҳаллабай асосда топширилмоқда.

— 3 нафар фарзанднинг онасиман, — деди фарзандларига гувоҳнома олган Ўғилой Истамова. — Учаласини ҳам уй шароитида дунёга келтиришимга тўғри келган. Шу ва бошқа сабаблар туфайли уларга вақтида туғилганлик гувоҳномасини олишга кунт қилмадим. Ҳозир катта болам 11 ёш, ўртанчаси 10, кенжам 8 ёшда. Яқинда мутасаддилар уйларимизга келиб муаммоларимизни ўрганган эди. 3 кун ичида гувоҳномаларни расмийлаштириб беришди. Албатта, бизга яратилаётган бундай қулайликлардан миннатдоримиз.

Дастлабки босқичда “Фидойилар” МФЙ фуқароларининг 29 нафарига, “Сарбадорлар” МФЙ фуқароларининг 71 нафарига ҳамда “Шарқ” МФЙ фуқароларининг 5 нафарига туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари расмийлашти-

рилиб, Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси ҳамда вилоят Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси вакиллари иштирокида жойига чиққан ҳолда тантавали равишда топширилди. Жорий йилнинг 15 июлига қадар белгиланган режа-жадвал асосида гувоҳномаси йўқлиги аниқланган барча фуқароларга ҳам ҳужжатлар тегишли тартибда расмийлаштирилиб берилади.

— 14 ёшимда туғилганлигим тўғрисида гувоҳнома олдим, — дейди Меҳроуз Тошева. — Бу мен учун, албатта, қувонарли воқеа бўлди. Ахир, шу пайтгача мен фуқаро сифатида ҳеч қандай ҳуқуқларга эга эмасдим. Яхшиларнинг ёрдами билан бугун расман шахсим тасдиқланди. Энди бошқа ёшлар каби кўплаб имкониятлардан фойдаланишим мумкин.

Бу борадаги ишлар давом этмоқда.

Мансур ҲАСАНОВ,
Давлат хизматлари
агентлиги Самарқанд
вилоят бошқармаси ахборот
хизмати раҳбари